



«Жорий йилнинг I ярим йиллигида 554,4 мингта янги иш ўрни, улардан 334,4 мингтадан кўпроғи ёки 60,3 фоизи қишлоқ жойларда ташкил этилди. Аҳолининг реал даромадлари 16,3 фоизга ўсди».

Бу нимани англатади? Демак, юртимизда ярим миллиондан кўпроқ киши доимий иш ўрнига эга бўлди, уларнинг ижтимоий ҳимояси мустақамланди, турмуши фаровонлашди. Бундан ташқари, бу рақамлар ялпи ички маҳсулот ўсгани, мамлакатимиз иқтисодий қуввати ошаётгани, имкониятлари янада кенгайиб бораётганини кўрсатади.

«Ягонасан, муқаддас Ватан!»



Қўшиқларда Ватан мадҳи

Ўзбекистон Давлат консерваториясида Ватанимиз мустақиллигининг 22 йиллигига бағишлаб ўтказилаётган «Ягонасан, муқаддас Ватан!» республика кўрик-танловининг «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси Тошкент шаҳар бўлими тизимидаги босқичи бўлиб ўтди.

Унда мазкур ижодий танловнинг туман босқичида ғолиб бўлган ўлтизга яқин профессионал ва ҳаваскор хонанда иштирок этди.

Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида ёшлар маънавиятини юксалтириш, уларни миллий қадриятларимизга ҳурмат руҳида камол топтириш, онгу тафаккурига Ватан тақдири учун дахлдорлик туйғусини синдириш масалаларига устувор вазифа сифатида эътибор қаратилмоқда.

Анъанавий «Ягонасан, муқаддас Ватан!» республика кўрик-танлови жонажон диёримиз ҳақида бадиий юксак қўшиқлар яратиш, истиқлолимизни, тинч ва осойишта, фаровон ҳаётимизни тараннум қилиш, ёш истеъодларни кашф этишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Кўрик-танловнинг Тошкент шаҳар босқичида Собиржон ва Рўзимухаммад Мўминов, Наргиза Азимова, Шерали Бекмуродов, Қувончбек Дўстмуродов биринчи ўринга лойиқ топилди.

Ғолиблар санъат байрамининг республика босқичида иштирок этади.

Назозат УСМОНОВА,
ЎЗА мухбири.

ЎзХДП маҳаллий кенгашларида

Ишончга муносиб бўлиб ишлаш керак



Бугун ЎзХДП бошланғич ташкилотлари салоҳияти қандай? Сайловчи депутатдан нимани талаб қилапти? Аҳоли билан учрашувлар чоғида кўтарилган масалалар шу жойнинг ўзида қолиб кетмаслиги учун нима қилмоқ керак?..

ЎзХДП Самарқанд вилоят, шаҳар ва туман кенгашлари раислари, маҳаллий Кенгашлардаги депутатлик гуруҳлари аъзолари, «Фаол аёллар» ва «Истиқбол» ёшлар қаноти етакчилари иштирок этган анжуманда мазкур саволларга мунозара тарзида жавоб изланди. Жойларда бу борада тўпланган илғор тажрибалар, йўл қўйилаётган камчиликлар ечими бўйича муло-

ҳазалар ўртага ташланди.

— Партиянинг асосий вазифаси дастурий мақсадлари амалга ошиши учун курашиш, электорат манфаатини ҳимоя қилишдир, — деди ЎзХДП Марказий Кенгаши раиси Ҳотамжон Кетмонов. — Бунга эришиш учун бошланғич ташкилотлар, фаоллар ва депутатлар фаоллиги, ташаббускорлигини ошириш лозим.

⇒ 2

Муносабат

Мухтарам Юртбошимизнинг мамлакатимиз ғаллакорларига йўллаган қутлов-табриги бутун юртимиз аҳли сингари биз фарғоналик бободехқонлар, фермер хўжаликлари аъзолари ва фермерларни ҳам жуда мамнун этди. Дарҳақиқат, республикаимизда мустақиллик йиллари ғаллачилик тарихида энг кўп хирмон уюлгани кимни ҳам қувонтирмайди дейсиз! Бу истиқлол йилларида мамлакатимиз, шу жумладан вилоятимизда ҳам қишлоқ хўжалиги соҳасида, хусусан, ғаллачиликда намунали тизим яратилгани ва ўзининг ҳаётбахш самараларини бераётганидан далолатдир.

Ғалла мўллиги — эл фаровонлиги

Табриқда алоҳида қайд этилганидек, жорий йилда вилоятимизнинг Фурқат туманида ўртача ҳосилдорлик 60-75 центнердан ошди. Шунингдек, Учкўприк туманидаги «Фаровон ҳаёт сари», Бувайда туманидаги «Ёқубжон ота» каби ўнлаб фермер хўжаликларида гектаридан 100 центнер ва ундан ошириб ҳосил олинганини сидқидилдан қилинган меҳнат самараси сифатида эътироф этиш мумкин.

Шуни алоҳида мамнуният билан айтиш жоизки, кейинги йилларда Фарғонада бошоқли дон етиштириш бўйича ўзига хос тажриба мактаби яратилди. Бу фермер хўжаликларининг моддий фаровонлигини яхшилаш, хўжалик аъзоларининг тур-

муш даражасини оширишга хизмат қилаётгани янада қувонарлидир.

Юртбошимизнинг ғаллакорлар меҳнатига берган юксак баҳоси, фермерлар шайнига айтган илиқ гаплари зиммамизга янада катта масъулият юклайди. Халқимиз дастурхонига нондек азиз неъматни етказиб бераётганимиз, мамлакатимиз иқтисодиёти ривожига ҳисса қўшаётганимиздан фахрланамиз.

Биз бундан буён ҳам Юртбошимиз ишончини оқлашга, ғалла мустақиллигини янада мустақамлашга муносиб ҳисса қўшишга интиламиз. **Икромжон ХОЛМУРОДОВ,** Фарғона вилояти фермерлар Кенгаши раиси, халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутати.

2013 йил — Обод турмуш йили

Меҳнат ярмаркасида — меҳнат жамоасига

Бандлик дастури ижросини таъминлаш, вақтинча ишсиз аҳолига ўз лаёқатига мос иш топишига кўмаклашишда жойларда ўтказилаётган бўш иш ўринлари ярмаркалари муҳим омил бўлмоқда.

Наманган вилояти, Янгиқўрғон туманида маҳаллий ҳокимият, прокуратура, туман хотин-қизлар кўмитаси ва бошқа давлат ва жамоат ташкилотлари ҳамкорлигида ташкил этилган ярмаркада юзга яқин корхона ва ташкилот ўзларидаги беш юздан ортиқ бўш иш ўрни билан иштирок этди.

Тадбирда туман бандлик марказига мурожаат этган фуқаролардан икки юз етмишдан ортиғи шу ернинг ўзида турли корхона ва муассасаларга ўз мутахассислиги бўйича йўланма олди.

— Ярмаркада жорий йилда касб-хунар коллежини битирган ёшлар ва вақтинча ишсиз фуқароларни иш билан таъминлашга асосий эътибор қаратилди, — дейди туман бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази раҳбари Юсуф-

жон Отахўжаев. — Жумладан, 245 нафар коллеж битирувчисида ишга жойлашиш учун йўланма берилди.

— Ушбу ярмарка мен учун унутилмас воқеа бўлди, — дейди тумандаги иқтисодиёт ва транспорт касб-хунар коллежини битирган ёш мутахассис Гулҳаё Ёқубжоновна. — Боиси шу ерда туман молия бўлимига ишга қабул қилиндим. Олган билимларимни амалиётда мустақамлаб, юртимиз равақига муносиб ҳисса қўшиш имкониятига эга бўлганимдан жуда мамнунман.

Тадбирда мутахассислар томонидан фуқароларга меҳнат қонунчилиги, ижтимоий муҳофаза шартлари, турли имтиёз ва кафолатлар тўғрисида зарур маслаҳат ва тавсиялар берилди.

А.САТТОРОВ, ЎЗА мухбири.

Сўз — ЎзХДП фракцияси аъзоларига

Ҳуқуқий эксперимент:

ОАВ зиммасидаги катта масъулият

Маълумки, ҳозирда Бухоро ва Самарқанд вилоятларида «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиклиги тўғрисида»ги қонун лойиҳаси нормалари синовининг асосий босқичи ўтказилмоқда. Жорий йил 1 декабрда давлат этадиған мазкур босқичда маҳаллий давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, шунингдек, оммавий ахборот воситалари, фуқаролик жамияти институтлари ҳамда бошқа ахборотдан фойдаланувчилар фаолиятини қонун лойиҳасига мувофиқ ташкил этишга, шу орқали ҳокимият, бошқарув тузилмалари фаолияти очиклигини таъминлашнинг қонун лойиҳасида назарда тутилган шакл ва усулларига ишлов беришга асосий эътибор қаратилмоқда.

Дарҳақиқат, Президентимизнинг 2013 йил 20 мартдаги «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиклиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси синовий ҳақида хуқуқий эксперимент ўтказиш ҳақида»ги Фармойиши ижросини таъминлаш, хуқуқий эксперимент жараёнини пухта, белги-

ланган талаблар даражасида ўтказиш, унда депутатлар иштирокини кучайтириш мақсадида вилоят ҳокимларининг бир неча қарор ва фармойишлари қабул қилинди. Бухоро вилоятида 88, Самарқанд вилоятида эса 91 ташкилот-муассаса хуқуқий эксперимент субъекти сифатида рўйхатга олинган.

(Давоми 2-бетда.)



1991 йилда, Ўзбекистон энди мустақилликка эришган кунларда ўлкаимизда жами 940 минг тонна ғалла етиштирилиб, ўртача ҳосилдорлик бор-йўғи 17 центнерни ташкил этганини, республикаимиз дон ва ун таъминоти бўйича бутунлай Марказга қарам бўлиб кун кечирганини ўзимизга фарз қилсак, ўтган йиллар мобайнида ғалла мустақиллигини қўлга киритганимиз, ҳосилдорлик 3 каррадан кўпроқ ошгани, умумий ҳосил 7 баробардан зиёд кўпайгани, ҳозирги вақтда нафақат ўз эҳтиёжимизни таъминлаш, айти пайтда хорижий давлатларга дон экспорт қилишга эришганимиз бизнинг қандай юксак марраларни забт этганимиздан яққол далолат беради ва ўзгаларнинг ҳайратини тортади.

Бу йил ғалладан 7 миллион 610 минг тоннадан зиёд юксак хирмон бунёд этилди.

Универсиада — 2013



Ўзбекистон талаба-спортчилари

Қозон шаҳрида ўтказилган XXVII Бутунжаҳон универсиадада иккита олтин, еттита кумуш ва ўнта бронза медалига сазовор бўлдилар

⇒ 4

Президентимизнинг матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларига йўллаган табригини ўқиганимда ҳали бу соҳада тинимсиз изланишим, тажрибамни ошириб боришим зарурлигини англаб етдим.

⇒ 4



«Ўзбекистон овози» газетаси сайтида ўқинг!



<http://www.uzbekistonovozi.uz>

www.uzbekistonovozi.uz

ЎзХДП маҳаллий кенгашларида

Ишончга муносиб бўлиб ишлаш керак

Бугун асосий эътиборимизни электроташвишини бартараф этишга қаратмасак, уларни қийнаётган масалалар ечимида иштирок этмасак, олдимизда турган улкан вазифалар ижросини таъминлаш мурраккаб кечади. Бунда бошлангич ташкилотлар фаолиятини янада жонлантириш талаб этилади. Сир эмас, ҳали ҳамон бошлангич ташкилот шунчаки расмийлик учун тузилган фуқаролар манфаати, уларнинг муаммолари, ижтимоий соҳада юзага келган камчиликларни бартараф этиш партия ташкилотлари, депутатлик гуруҳлари диққат марказида бўлиши зарур.

Йигилишда партиянинг Самарқанд вилоят кенгаши раиси Камолддин Исобеков таъкидлаб ўтганидек, вилоятдаги 653 та бошлангич партия ташкилоти 19 мингдан ортиқ аъзони жипслаштирган. ЎзХДПдан халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларига 201 нафар, вилоят Кенгашига 17 нафар депутат сайланган. Мажбур имконият ва салоҳиятга қарамай, очигини айтиш керак, фаолиятимиз бугунги кун талаби даражасида эмас. Жамоатчилик қабулхоналари ишини танқидий асосда кўздан кечириш, аҳоли билан ишлашнинг аниқ ва самарали тизимини йўлга қўйиш асосий вазифа бўлиб қолаверади.

— Депутатлар фаоллиги

партия фаолиятини кучайтиришда муҳим аҳамиятга эга, — деди **халқ депутатлари Самарқанд вилоят Кенгашидаги ЎзХДП депутатлик гуруҳи раҳбари, Олий Мажлис Сенати аъзоси Фармон Тошев**. — Гап шу ҳақда кетганда халқ депутатлари Пахтачи, Булунгур, Пайариқ туман Кенгашларидаги депутатлар ишини ибрат қилиб кўрсатса бўлади. Аммо айрим маҳаллий Кенгаш депутатлари фаолиятида ҳали ҳамон амалий натижа кўринмапти. Улар ишини жонлантирмасак, партиямиз дастурий мақсадларига эришиш қийин.

— Эркин, очик ва самимий мулоқот бизни фаолиятимизни кучайтириш устида жиддий йўлаб кўришга даъват этди, — дейди **ЎзХДП Пахтачи туман кенгаши раиси Исмаил Санаев**. — Халқ депутатлари туман Кенгашида депутатлик гуруҳимиз аъзолари кўпчиликни ташкил этади. Депутатлар билан ойда икки марта жамоатчилик

қабулини ўтказишни йўлга қўйганмиз. Олис кишлоқлардаги партиямиз аъзолари, электроташкилотларни қийнаётган масалаларга ечим топишда бу муҳим аҳамиятга эга бўлаётти. Шу вақтга қадар тўпланган тажриба, янги ғоялар асосида фаолиятимизни юқори босқичга олиб чиқишни даврнинг ўзи талаб этаётти.

Узаро фикр алмашуларда амалий ишлари билан сайловчилари ишончини қозонаётган депутатлар, партия ташкилотлари тажрибасини оммалаштириш юзасидан ҳам тақлифлар билдирилди.

— Мен Оқдарё туманидаги «25-Қоратери» сайлов округидан халқ депутатлари туман Кенгашига сайланганман, — деди Шавкат Қурбонов. — Касбим — ҳуқуқшунос. Жорий йилда партиядан сайланган депутатларимиз билан муайян ишларни амалга оширдик. Туманнинг Янгиравот маҳалласига қарашли автомобил йўли анча

йилдан бери қишда лой, ёзда чанг бўлар эди. Бу аҳолига ноқулайлик туғдирарди. Депутатлар ташаббуси, бевосита кўмаги билан автомобиль йўлининг қарийб 1 километр қисмига тош ётқизилди. Бундан ташқари туман ҳокимида мазкур масала бўйича депутатлик сўрови билан чиқдик. Туманнинг Қоратери-Суткент кишлоқлари оралиғидаги 2 километрга яқин автомобиль йўлини таъмирлаш ишлари 2014 йил Дастурига киритилишига эришдик.


— Пастдарғом туманидаги Шакартепа кишлоғида 130 та оила бор, — деди халқ депутатлари туман Кенгаши депутати Ойражаб Бурхонова. — Кишлоқ аҳолисини тоза ичимлик суви билан таъминлашни яхшилаш масаласи анча муаммо бўлмоқда. Бу борада депутатлик сўрови билан туман ҳокимида мурожаат қилдик. Бироқ бу масала жавобсиз қолиб келмоқда. Энди халқ депутатлари вилоят Кенгаши-

даги партия депутатлик гуруҳига мурожаат қилиб, масалани ижро ҳокимияти тузилмалари олдида янада қатъийроқ қилиб қўйишни режалаштирдик.

— Нарпай тумани вилоят марказидан 150 километр олинса, — дейди ЎзХДП Нарпай туман кенгаши раиси ўринбосари Жамила Нарбаева. — Тумандаги Ислон Чори, Ахат Назаров номли маҳаллаларда истиқомат қилувчи 1600 оила оқова сув йўқлигидан қийнаётган эди. Шу бўйича депутатлик гуруҳимиз ташаббуси билан туман Кенгаши сессиясига масала киритилиб, унинг ижобий ечим топишда партиямиз фаоллари жонбозлик кўрсатди. Энг муҳими, ҳаракатларимиз бевосита кетмади, аҳоли томорқаларига сув келтириш чоралари қўрилди.

Йигилишда шу каби амалий тажрибалардан ўрнак олиш кераклиги таъкидланди. Партия ташкилотлари моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, замонавий ахборот технологияларидан фойдаланиш имкониятини кенгайтириш борасида сўз юритилди. Шунингдек, ички партиявий интизомни мустаҳкамлаш, кадрлар захирасини шакллантириш юзасидан фикр алмашилди. Бошлангич ташкилотларда ўтказиладиган тадбирларни жонли ташкил этиш, депутатлар фаоллигини ошириш, Жамоатчилик қабулхоналарининг қулайлигини яхшилаш юзасидан билдирилган тақлифлар асосида тавсиялар ишлаб чиқилди.

Абдували ХУДОЁЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

АКАДЕМИК
ҲОЖИ-АКБАР
РАҲМОНҚУЛОВ

Ўзбекистон илм-фани оғир жудолукка учради. Ҳуқуқшунослик соҳасидаги йирик олим, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг академиги Ҳожи-Акбар Раҳмонқулов 88 ёшида вафот этди.

Ҳ.Раҳмонқулов 1925 йили туғилди. 1950 йили Тошкент юридик институтини тугатиб, иш фаолиятини Ўзбекистон Адлия вазирлиги бошқармасида катта ревизор сифатида бошлади. 1957-1960 йилларда Ўзбекистон Фанлар академиясининг Фалсафа ва ҳуқуқ институтини аспирантурасида таҳсил олди. Дастлаб номзодлик, сўнгра докторлик диссертациясини ҳимоя қилди. 2000 йили Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг академиги этиб сайланди.

Ўзининг қарийб 55 йиллик илмий-педагогик фаолияти давомида Фанлар академиясининг Фалсафа ва ҳуқуқ институтида кичик илмий ходим, бўлим мудири, институт директори, Тошкент юридик институтининг кафедра мудири, профессор лавозимларида самарали меҳнат қилди, юртимизда малакали ҳуқуқшунос кадрлар тайёрлаш ишига муносиб ҳисса қўшди.

Таниқли олимнинг Ўзбекистонда миллий қонунчиликни такомиллаштириш ва ҳуқуқни қўллаш амалиятининг самарадорлигини ошириш, мулкий муносабатлар ва ҳўжалик юретиш

ишларини ҳуқуқий тартибга солиш каби долзарб масалаларга, ҳуқуқшунослик фанининг назарий ва амалий муаммоларига бағишланган илмий тадқиқотлари, қўллаб мақола ва рисолалари кенг жамоатчиликка яхши маълум.

Захматкаш олим ўз фаолияти давомида жонқуяр устоз сифатида ёшларга илм-фан сирларидан сабоқ берди. Унинг бевосита раҳбарлигида ўнлаб фан номзодлари ва докторлари тайёрланди.

Академик Ҳ.Раҳмонқуловнинг мамлакатимиз илм-фанини ривожлантириш борасидаги хизматлари давлатимиз томонидан муносиб тақдирланди. У «Ўзбекистон Республикаси фан арбоби» фахрий унвони, «Жасорат» медали билан мукофотланган эди.

Таниқли олим, меҳрибон устоз, камтарин инсон Ҳожи-Акбар Раҳмонқуловнинг хотираси қалбимизда ҳамيشа сақланиб қолади.

И.КАРИМОВ, И.СОБИРОВ, Д.ТОШМУҲАМЕДОВА,
Ш.МИРЗИЁЕВ, Ш.СОЛИҲОВ

Бугун асосий эътиборимизни электроташвишини бартараф этишга қаратмасак, уларни қийнаётган масалалар ечимида иштирок этмасак, олдимизда турган улкан вазифалар ижросини таъминлаш мурраккаб кечади. Бунда бошлангич ташкилотлар фаолиятини янада жонлантириш талаб этилади.



ЎзХДПда сиёсий ва фуқаролик маърифати

Ҳуқуқий маданият юксалиши

партия электроташвишининг фаоллигини оширади, манфаатларини самарали ҳимоя қилади



Мамлакатимизда демократик жараёнларни янада чуқурлаштириш, кучли фуқаролик жамиятини шакллантириш кишиларнинг сиёсий-ҳуқуқий маданияти, ижтимоий-иқтисодий фаоллигига кўп жиҳатдан боғлиқ. Шу боис ЎзХДПнинг барча даражадаги ташкилотларида сиёсий ва фуқаролик маърифати тизимидаги ўқув машғулоти мунтазам ташкил қилинмоқда. Машғулотлар янада қизиқарли ва жонли ўтиши учун малакали мутахассислар, экспертлар тақлиф этилаётти. Бу сиёсий ўқув семинарлар тасвирчанлиги ошишига хизмат қилаётти.

ЎзХДП Марказий Кенгаши Тошкент шаҳар кенгаши томонидан ихтисослаштирилган соматик шифохонасида ташкил этилган семинар «Фуқаролар ҳуқуқий билимларини оширишда ЎзХДП фаолияти самарадорлигини такомиллаштириш» мавзусига бағишланди. Унда халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутатлари, электроташкилотлар, экспертлар, олимлар, тиббиёт мутахассислари шифокорлари, ҳамширалари ва ходимлари, бу ердаги бошлангич партия ташкилоти аъзолари иштирок этди.

— Юртимизнинг бевосита ташаббуси ва раҳнамолигида солиқлини сақлаш тизимида туб ўзгаришлар, кенг қамровли ислохотлар олиб борилмоқда, — деди **шифохона бош**

батлашади. Бу борада партиямиз билан ҳамкорлик биз учун жуда муҳимдир.

— Мустақиллик, миллий ғурур барчамизга тақдир насиб этган буюк нёъматдир, — деди **халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутати Муқаддас Раҳматуллоева**. — Уни қадрига етиш ва кўз қорачиғидан асраш ҳар биримиз учун муқаддас бурчдир. Шунинг алоҳида таъкидлаш жоизки, аҳолининг сиёсий-ҳуқуқий билимларини оширишда бизнинг партиямиз ўз позициясига эга. Аҳолиси билимли, интеллектуал салоҳияти юқори, шунинг билан бирга ижтимоий, сиёсий-ҳуқуқий жиҳатдан фаол бўлган мамлакатда ҳуқуқий демократик давлат барпо этиш мумкин, деб ҳисоблаймиз.

Партиямиз аҳолининг ҳуқуқий маданиятини оширишда амалий жиҳатдан иштирок этиб келмоқда. Партиямиз кенгашлари қошида ташкил этилган Жамоатчилик қабулхоналари, ёшлар ҳуқуқий маслаҳатхоналари фаолияти айнан шу мақсадга қаратилган.

— Бугун мамлакатимизнинг қайси гўшасида бўлмган бестакдор янгилашлар, бекиёс ўзгаришларнинг ғувоҳи бўласиз, — деди **ЎзХДП Марказий Кенгаши Экспертлар гуруҳи аъзоси, Фалсафа фанлари номзода Тўра Норбоев**.

— Мустақиллик нақадар буюк нёъмат, ота-бобларимиз асрлар оша орақиб кутган улғу ва табаррук қадрият эканига иймон келтирамиз, шукроналар айтаемиз. Юртимизда амалга татбиқ этилаётган қонун устуворлиги таъминли фуқароларнинг ҳуқуқий

онгини юксалтириш, ташаббускорлик ва тадбиркорлик хусусиятларини жонлантиришда муҳим ўрин эгаллади. Буларнинг барчаси бугунги Ўзбекистон бундан йигирма икки йил илгириси Ўзбекистон эмаслиги, унинг халқи, иқтисодиёти, сиёсий ҳуқуқий муносабатлари, ижтимоий ҳаёти, маданияти, мафқураси, маънавияти 90-йиллардан кескин фарқ қилишини аниқлади. Хозирда партиямизнинг энг долзарб вазифаларидан бири — бу фуқароларимизнинг сиёсий-ҳуқуқий билимининг ошириб боришдан иборатдир. Кўп ҳолларда фуқароларимиз ўз ҳуқуқларини билмаганликлари сабабли давлатимиз томонидан берилган имтиёزلардан, ажратилаётган моддий ёрдам ва бошқа ижтимоий нафақаларни олишда қийинчиликларга учраётганликлари кўриш мумкин.

Шунингдек, семинарда сўзга чиққанлар фуқаролар ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, бунда партия ташкилотлари иштирокининг турли йўналишлари ҳақида сўз юритишди. Ўқув интерфаол усулда, жонли баҳс-мунозараларга бой ва қизиқарли тарзда ўтди.

Басандабону ЖАЛИЛОВА,
«Ўзбекистон овози» мухбири.



Сўз — ЎзХДП фракцияси аъзоларига

Ҳуқуқий эксперимент:

ОАВ зиммасидаги катта масъулият



Дилбар ХОЛИҚОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.

Ҳуқуқий эксперимент субъектлари фаолиятининг очиклиги қонун лойиҳасига асосан таъминланади. Эксперимент ўтказиш субъектлари фаолияти тўғрисидаги ахборотлар мунтазам равишда оммавий ахборот воситаларида чоп этилмоқда, эфирга узатишмоқда. Масалан, маҳаллий давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари раҳбарлари вилоят телевидениеларида «Очик мулоқот» кўрсатувидида мунтазам чиқишлар қилмоқда, оммавий ахборот воситалари вакиллари ахборот воситалари вакиллари иштирокида матбуот анжуманлари, брифинглар ўтказмоқда. Шунингдек, ҳуқуқий эксперимент ўтказилаётган вилоятларда оммавий ахборот воситалари ходимлари учун пресс-турлар ташкил этилиши мўлжалланмоқда. Бундан мақсад журналистлар билан вилоятда фаолият кўрсатаётган йирик саноат, қишлоқ ҳўжалик, сервис корхоналари, айниқса, янги ташкил этилган ишлаб чиқариш корхоналарига саёхат қилиш, соҳаларда эришилаётган муваффақиятлар билан нафақат республикамиз аҳолиси, балки хорижий давлатлари ҳам кенг таништиришдан иборат.

Бугунги кунда Бухоро вилоятини оммавий ахборот воситаларининг сони 41 тани, Самарқанд вилоятини 59 тани ташкил этаётти. Албатта, ҳуқуқий тажриба самарали ўтишида уларнинг ўрни бекиёс.

Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти тўғрисидаги ахборотни тез, сифатли ҳамда ишончли тарзда тақдим этишнинг самарали воситаларидан яна бири расмий веб-сайт

лар ҳисобланади. Уларда ахборотлар қонун лойиҳаси талабларига мувофиқ жойлаштирилиши ва мунтазам янгилаб борилиши оммавий ахборот воситалари ходимлари ва фуқароларга катта қулайлик яратди. Бу айни пайтда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ахборот хизматларининг масъулиятини янада оширишни тақозо этади. Шунинг учун эксперимент ўтказилаётган ҳудудларда маҳаллий давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг расмий веб-сайтларини қонун лойиҳасида белгиланган меъёрлар асосида такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилаётти.

Сайтларга қабул қилинган қарорлар ҳамда бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни жойлаштириш, ҳар бир маълумотнинг киритилган ва янгиланган саналарини аниқ кўрсатиш, фуқаролар мурожаатлари ва ахборотдан фойдаланувчиларнинг сўровларини расмий веб-сайт орқали қабул қилиш ва жавоб бериш, коллегиял йиғилишлар ҳақида ишончли маълумотлар жойлаштириб бориш энг муҳим вазифалардан саналади. Бунга эътиборни суъсайтирмаслик зарур.

Шу ўринда аҳолини, фуқаролик жамияти институтларини экспериментнинг мақсад-вазифалари ва бориши ҳақида мунтазам хабардор қилиб туриш, журналистлар томонидан эксперимент субъектларининг раҳбарларига саволлар йўллаш, ишчи комиссия аъзолари, экспертлар ва бошқаларнинг тезкор равишда ахборот соҳасида узаро ҳамкорлик қилиши имкониятларини берувчи махсус сайт —

www.legalexperiment.uz ташкил этилди. Мазкур веб-сайт орқали ҳуқуқий эксперимент субъектларининг ўз фаолияти очиклигини таъминлаш бўйича олиб бораётган ишлари ҳақида ҳар ой ва чорада электрон ҳисобот тақдим этиш тизими яратилди. Мазкур тизим нафақат эксперимент субъектлари, балки барча ахборотдан фойдаланувчилар учун ҳам очик ва қулайдир. **Жойлаштирилган ахборот ва хабарлар веб-сайтида рўйхатдан ўтган фойдаланувчиларга автоматик тарзда етиб боради. Шундай экан, бу ишга ҳуқуқий эксперимент субъектлари ва иштирокчилари янада жиддий ёндашиши керак бўлади.**

Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятини ОАВда кенг ёритиш, улар ишининг шаффофлигини таъминлаш, фуқароларнинг мамлакатда амалга оширилаётган ишлар, ҳақида олиб борилаётган ташқи ва ички сийасат ҳақида хабардорлигини ошириш, давлат органлари фаолияти ҳақидаги ҳолис, ҳаққоний ахборотларни аҳолига етказиш ОАВ, ҳусусан, журналист янада масъулиятли бўлишини тақозо этади.

Шу маънода ҳуқуқий эксперимент Бухоро ва Самарқанд вилоятларидаги, шунингдек, марказий оммавий ахборот воситаларини ҳам ўз навбатида жиддий синовдан ўтказмоқда. Бойси, одам ўзи ишлаётган соҳа, яшаётган ҳудуд, унинг ривожланиш ҳолати ва истиқболи учун режалаштирилган ишлар ҳақида кенг маълумотга эга бўлсагина, ислохотларнинг турмуш фаровонлигини оширишга қаратилганини тушунади. Энг муҳими, мазкур жараёнларда фаол иштирок этишга, ўз хиссасини қўшишга интилади. Демак, ҳуқуқий тажрибанинг самарали ўтиши, қонун лойиҳасининг ҳаётий аҳамиятини ўрганиш, фуқаролар фаоллигини оширишга қаратилган тартибот-тушунтириш ишларини кучайтириш ОАВ олдида турган муҳим вазифа ҳисобланади.

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Qishloq Qurilish Bank

бунёдкорлик ва тараққиёт хизматида

Маълумки, «Қишлоқ қурилиш банк» бундан тўрт йил олдин Юртбошимиз ташаббуси билан «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастури доирасида ташкил этилган эди. Ўтган қисқа давр давомида у давлатимиз раҳбарининг бир қатор Фармон ва қарорлари ҳамда ҳукумат томонидан қабул қилинган қарорларда белгиланган вазифаларни ижро этишга ўстувор аҳамият қаратиб, муайян ютуқларга эришди. Банкнинг кўрсаткичлари бунга ёрқин мисолдир.

Капиталлашув даражаси

Аввало, шунинг таъкидлаш жоизки, банк ўз фаолиятини бошлаганда, унинг олдига бир қатор вазифалар, шу жумладан, тасдиқланган намунавий лойиҳалар асосида қишлоқ жойларда аҳоли учун уй-жойлар қурилишини молиялаштиришни ташкил этишга оид ўстувор вазифалар қўйилган эди.

«Қишлоқ қурилиш банк» ўшбу эзгу юмушни самарали бажариш учун мустаҳкам ресурс базаси, биринчи галда, капитал ҳажмини ошириш масаласига асосий эътиборни қаратди.

Эътиборлиси, мазкур йўналишда олиб борилган оқилонга саъй-ҳаракатлар самараси ўлароқ, 2013 йилнинг биринчи ярим йиллиги якунилари бўйича банкнинг умумий капитали ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 101,3 млрд. сўм ёки 46,9 фоизга ортиб, 317,0 млрд. сўмни ташкил этди. Мазкур миқдор эса банк капиталига нисбатан қўйилган халқаро ва миллий меъёрларга нисбатан юқори эканлиги қувонарлиқдир.

Ресурс базаси мустаҳкамланди

Давлатимиз раҳбарининг 2010 йил 26 ноябрдаги «2011 — 2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришининг ўстувор йўналишлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ, банк томонидан ресурс базаси ва активларни ошириш борасида белгиланган режалар ҳисобот даврида ҳам изчил амалга оширилди. Самарадорлик эшикларини кенг очишда эса банкнинг ресурс базасини мустаҳкамлаш бўйича қатъий депозит сиёсати юритилгани катта аҳамият касб этди.

Жумладан, 6 ой якунига келиб, банкнинг умумий депозитлари ҳажми 1 702,4 млрд. сўмни ташкил этгани ҳолда унинг таркибида аҳоли ва ҳўжалик юритувчи субъектларнинг депозитлари қолдиги 445,9 млрд. сўмдан ортиди. Шунингдек, банкнинг юридик шахслар учун мўлжалланган муомала мuddати 36 ой бўлган 30 млрд. сўмлик депозит сертификатлари муомалага чиқарилган бўлиб, улар бугунги кунда миқозлар орасида жойлаштирилмоқда.

Шу билан бирга, Президентимизнинг 2012 йил 11 январдаги «Қишлоқ жойларда уй-жой қурилишини ривожлантириш» лойиҳасини Осиё тараққиёт банки иштирокида кўп траншли молиялаштириш Дастури бўйича амалга ошириладиган ўстувор чоралар тўғрисида»ги қарори талабларини бажариш ҳам банкнинг диққат марказида бўлди. Хусусан, Осиё тараққиёт банкининг «Қишлоқ жойларда уй-жой қурилишини молиялаштириш» лойиҳаси кредит линияси доирасида 179,6 млн. АҚШ доллари ёки 342,4 млрд. сўм миқдоридида маблағ ўзлаштирилди.

Банк активлари барқарор ўсди

Бунда унинг мамлакатимиз молиявий хизматлари бозорида универсал банк сифатидаги фаолияти кенгайгани, ўз миқозларига



самарали ва намунали хизмат кўрсатиш, банк хизматлари сифатини замон талаблари даражасига кўтариш юзасидан изчил фаолият олиб борагани муҳим омил бўлди.

Бугунги кунда банкнинг 42 та филиали ва 236 дан ортиқ хизмат кўрсатиш шохобчалари орқали юридик ва jisмоний шахсларга кенг қўламли молиявий хизматлар кўрсатиб келинаётир.

2013 йилнинг биринчи ярим йиллиги якунига келиб, банкнинг соф активлари ҳажми 2 100,5 млрд. сўмни ташкил этиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан ўшбу кўрсаткич 70,9 фоизга ўсганининг боиси ҳам шунда.

Кредитлаш амалиёти янада кенгайди

Банкнинг капиталлашув даражаси ва депозитлар ҳажмининг ўсиши актив операциялар ҳажмини ошириш, хусусан, кредитлаш имкониятларини самарали кенгайтиришга мустаҳкам замин яратди.

Мисол учун, жорий йилнинг ўтган даврида ҳам молия муассасаси асосий даромад манбаи ҳисобланган банк активлари ҳажми, таркиби ва даромадлилигини оширишга алоҳида эътибор қаратди. Айниқса, бунда йирик

корпоратив миқозлар билан яқиндан ҳамкорлик қилиш ўз натижасини берди. Банкнинг кредит қўйилмалари йил бошига нисбатан 122,8 фоиз ёки 324,1 млрд. сўмга ошиб, жорий йил 1 июль ҳолатига кўра, 1 742,2 млрд. сўмни ташкил этди.

Жами кредит қўйилмаларининг 123,7 млрд. сўми ёки 7,1 фоизи саноат, 103,5 млрд. сўми ёки 5,9 фоизи савдо ва умумий овқатлаш, 73,5 млрд. сўми ёки 4,2 фоизи қурилиш ва транспорт, 56,7 млрд. сўми ёки 3,9 фоизи қишлоқ ҳўжалиги тармоқларига йўналтирилган бўлса, 1 285,0 млрд. сўми имтиёзли ипотека кредитлари ва 99,0 млрд. сўми иқтисодийнинг бошқа турли соҳаларини молиявий қўллаб-қувватлашга ажратилди.

Бундан ташқари, ҳисобот даврида банк томонидан иқтисодийга йўналтирилган кредитлар ҳажмини ошириш ва банкнинг инвестицион жараёнлардаги иштирокини янада кенгайтириш борасида муайян ишлар олиб борилди. Жорий йил бошидан бери жами ажратилган кредитлар миқдори 570,9 млрд. сўмни ташкил этди.

Миқозларга тақдим этилган кредитларнинг мuddати ҳам жозибадор бўлди. Жорий йилнинг биринчи ярим йиллиги якуниларига кўра, жами кредит қўйилмаларининг 94,0 фоизи ёки 1 638,5 млрд. сўми узок мuddатли ҳамда 103,7 млрд. сўми ёки 6,0 фоизи қисқа мuddатли кредитлар эканлиги бунинг тасдиғидир.

Давлат дастурлари ижроси доимий эътиборда

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантириш, жумладан, соҳадаги субъектлар фаолиятини молиявий қўллаб-қувватлаш, сифатли банк хизматларини тақдир этиш борасида банк томонидан муайян тадбирлар ҳаётга жорий этилмоқда. Хусусан, «Қишлоқ қурилиш банк» томонидан ёш авлоднинг бизнес гоёларини рағбатлантириш, уларнинг жамиятда муносиб ўрин эгаллашлари, оиласи бюджетига ҳисса қўишларига яқиндан кўмак берилапти. «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» Давлат дастури ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий кенгаши, республика Савдо-саноат палатаси, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўрта махсус касб-хўналар таълим маркази тижорат банклари билан биргаликда академик лицейлар ва касб-хўналар коллежи ўқувчилари ўртасида «Менинг бизнес гоём» танловини ташкил қилиш тўғрисида келишув имзолангани бунинг аққол далилидир.

Ўшбу танловнинг 22 нафар ғолиби ОАТБ «Қишлоқ қурилиш банк»нинг имтиёзли кредит олиш ҳуқуқини берувчи жами 205,1 млн. сўмга тенг бўлган сертификатларини кўлга киритдилар. Бу ҳам бўлса, ёшларга курсатилган эътибор ва ғамхўрликдан яна бир қарра далолат беради, албатта.

2013 йил давомида кичик бизнес субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида банкнинг ўз маблағлари ҳисобидан ажратилган кредитлар ҳажми ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 51,3 млрд. сўмга ортиб, 2013 йил 1 июль ҳолатига 183,9 млрд. сўмни ташкил этди.

Банк томонидан барча манбалар ҳисобидан ажратилган кредитлар ҳисобига эса 5 584 та иш ўрни яратилиб, аҳолининг ижтимоий бандлиги янада мустаҳкамланди. Айни чоғда, банк филиаллари томонидан жорий йилнинг биринчи ярим йиллиги даврида аҳолининг фаол қисмига ўз бизнесини ташкил этишлари учун шарт-шароитлар яратиш мақсадида ажратилган микрокредитлар миқдори 53,4 млрд. сўмга етди. Бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 1,5 баробар зиёддир.

Юртбошимизнинг 2009 йил 26 январдаги «Озик-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорини тўлдириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш йўлида амалга оширилган ишлар ҳам эътиборга лойиқ. Сабаби, республикаимиз аҳолисининг озик-овқат маҳсулотларига бўлган эътиёжнинг барқарор таъминлаш, ички истеъмол бозорини мамлакатда ишлаб чиқарилган озик-овқат маҳсулотлари билан тўлдириш, қишлоқ жойларда замонавий, юқори унумли техника ва технология билан жиҳозланган қайта ишловчи ихчам корхоналарни барпо этиш, шу асосда янги иш жойлари ташкил қилиш, аҳолини иш билан таъминлаш мақсадида банк томонидан қарийб 34,4 млрд. сўмлик кредитлар ажратилди.

Президентимизнинг 2009 йил 28 январдаги «Маҳаллий озиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқариш кенгайтирилишини рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига биноан эса, банк томонидан рақобатбардош, юқори сифатли озиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва турларини кенгайтиришни рағбатлантириш, ички истеъмол бозорини улар билан бойитиш, тайёр озиқ-овқат товарлари ишлаб чиқарувчи



янги, маҳаллий корхоналарни ташкил этиш ҳамда мавжудларини модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш учун 2013 йилнинг ўтган даврида ажратилган кредитлар ҳажми 47,9 млрд. сўмни ташкил этиб, ўшбу кўрсаткич ўтган йилнинг 1 июль ҳолатига нисбатан 17,5 млрд. сўмга ортиди.


Ёш оилаларга ғамхўрликни кучайтириш, уларни қўлай ва шинам уй-жой билан таъминлаш мақсадида жорий йилнинг биринчи ярим йиллигидида жами 15,3 млрд. сўм миқдоридида ипотека кредитлари берилди.

Ўсиб келаётган навқирон авлодни маънавий етук ва ҳар томонлама комил инсон бўлиб етиштириш, билим олиш имкониятларини кенгайтириш масаласига ҳам алоҳида аҳамият қаратилиб, ҳисобот даврида олий ўқув юртларига контракт тўлови асосида қабул қилинган ёшларга 1,4 млрд. сўм миқдоридида таълим кредитлари ажратилди. Касб-хўна колледжлари битирувчиларининг тадбиркорлик фаолиятларини ташкил этиш, уларнинг ўз бизнесларини йўлга қўишлари ҳамда тадбиркорлик фаолияти билан боглиқ лойиҳаларини молиялаштириш учун эса 4,5 млрд. сўм миқдоридида имтиёзли микрокредитлар тақдим этилди.

Маҳаллий ишлаб чиқарувчилар томонидан тайёрланган ва узок мuddат фойдаланиладиган товарлар, шу жумладан, мебель, мураккаб майиш техника ва бошқа буюмларни харид қилиш мақсадида 11,1 млрд. сўм миқдоридида истеъмол кредитлари йўналтирилгани аҳоли турмуш даражаси ва сифатини янада яхшилашга хизмат қилган бўлса, оилавий тадбиркорлик, шу жумладан, тадбиркор аёлларни молиявий қўллаб-қувватлашга банкнинг 25,4 млрд. сўмлик кредит маблағлари ажратилган хонадонлар фаровонлигини юксалтиришда салмоқли роль ўйнади.

Қишлоқ жойларида бунёдкорлик ишлари

Маълумки, Президентимизнинг 2009 йил 3 августдаги «Қишлоқ жойларда уй-жой қурилиш куламини кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори асосида 2009 йилдан бўён намунавий лойиҳалар асосида уй-жойлар қуриш бошланган эди.



Бугунги кунда ўшбу жараён ҳажм ва сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарилди. «Қишлоқ қурилиш банк» бу борада фаол иштирок этиб келаётгани эътиборлидир. Хусусан, 2009 — 2012 йиллар давомида 23 500 дан ортиқ уй-жой қурилиши учун аҳолининг 779,3 млрд. сўмдан зиёд маблағлари ҳамда банкнинг марказлаштирилган маблағлари ҳисобидан қарийб 1 182,8 млрд. сўмлик имтиёзли ипотека кредитлари ажратилди.

Юртбошимизнинг 2012 йил 11 январдаги «Қишлоқ жойларда уй-жойлар қурилишини ривожлантириш» лойиҳасини Осиё тараққиёт банки иштирокида кўп траншли молиялаштириш Дастури бўйича амалга ошириладиган ўстувор чоралар тўғрисида»ги қарори билан «Қишлоқ жойларда уй-жой қурилишини ривожлантириш» лойиҳасини молиялаштириш режаси, шунингдек, 2012-2015 йилларда «Қишлоқ жойларда уй-жой қурилишини ривожлантириш» лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари Дастури тасдиқлангани катта аҳамият касб этди.

Боиси, мазкур дастур бўйича Осиё тараққиёт банки кредит линияси ҳисобидан 179,6 млн. АҚШ доллари миқдоридида маблағ қишлоқ жойларда намунавий уй-жой қурилиши учун йўналтирилди.

Айни пайтда, Президентимизнинг 2013 йил 4 январдаги «2013 йилда қишлоқ жойларда

намунавий лойиҳалар бўйича якка тартибдаги уй-жойларни қуриш дастури тўғрисида»ги қарорига кўра, бу йил намунавий лойиҳалар бўйича якка тартибдаги уй-жойлар, ташқи муҳандислик ва транспорт коммуналциялари, ижтимоий ва бозор инфратузилмаси объектларини қуриш Дастури маъқулланган. Унга мувофиқ, 2013 йилда республикаимиз ҳудудларидаги 352 та массивда 10 мингта уй-жой қурилиши учун 997,1 гектар ер майдони ажратилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 1 майдаги «Қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар бўйича якка тартибдаги уй-жойлар қурилиш дастурини самарали амалга оширишни таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 116-сонли қарорига мувофиқ, намунавий лойиҳалар асосида 2013 йилда қурилиши молиялаштириладиган уй-жойларнинг сони Дастурда иштирок этувчи тижорат банклари ўртасида тақсимланган бўлиб, унга кўра, ОАТБ «Қишлоқ қурилиш банк» томонидан 8 182 таси, ТИФ Миллий банк томонидан 1 198 та ва АТИБ «Ипотека банк» томонидан 620 та уй-жойлар қурилишини молиялаштириш кўзда тутилган.

Жорий йилда «Қишлоқ қурилиш банк» томонидан молиялаштириладиган 8 182 та уй-жойнинг умумий қиймати 1 132,7 млрд. сўмга тенг бўлиб, шундан 651,2 млрд. сўми «Қишлоқ қурилиш банк»нинг имтиёзли ипотека кредитларини ва 481,5 млрд. сўми аҳолининг маблағларини ташкил этади.

Ҳамкорлик алоқалари ва ташқи иқтисодий фаолият

Банк хорижий ва республикаимизнинг етакчи молиявий институтлари билан яқиндан ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйгани миқозларга халқаро ҳисоб-китоблар борасида кенг қўламли хизматларни тақдир қилиш, уларга чет эллик шериклар билан янада қўлай шартларда муносабатлар ўрнатишда айни мuddао бўлаётир.

Айтайлик, 2012 йил 3 апрелда «Қишлоқ қурилиш банк» ва «Хусусий секторни ривожлантириш Ислоом корпорацияси» ўртасида имзоланган қўшимча келишувга асосан, жами 11,0 млн. АҚШ доллари миқдоридида кредит линияси очилиб, бугунги кунда тўлиқ ўзлаштирилди. Халқаро Тараққиёт ассоциацияси билан имзоланган келишув доирасида эса жами 4,5 млн. АҚШ доллари миқдоридида маблағ ажратилган бўлиб, ҳозирга қадар унинг 4,3 млн. АҚШ доллари миқдоридида қисми ўзлаштирилди.

2013 йилнинг биринчи ярим йиллиги давомида жами 1 418 063,0 минг АҚШ доллари қийматида 80 та экспорт шартномалари рўйхатга олинди. Экспорт қилувчи миқозлари ҳисобига жами 18 442,98 минг АҚШ доллари миқдоридида валюта тушумига эришилган бўлиб, шундан жами 77,2 минг АҚШ доллари миқдоридида қисми белгиланган тартибда 50 фоиз мажбурий сотув сифатида сотилди.

Шунингдек, жорий йилнинг биринчи ярим йиллиги давомида «Қишлоқ қурилиш банк» тизимида жами 153 233,4 минг АҚШ доллари қийматида жами 371 та импорт шартномалари рўйхатга олинган бўлиб, шундан ҳисобот даврида жами 28 527,4 минг АҚШ доллари миқдоридида тўловлар амалга оширилди. Бунда чет эл молиявий институтлари томонидан ажратилган кредит линиялари ҳисобидан жами 5 900,8 минг АҚШ доллари тенг инвестиция лойиҳалари молиялаштирилган.

Жорий йил ўтган даври давомида ОАТБ «Қишлоқ қурилиш банк» тизимидаги пул ўтказиш тизимлари орқали 26 865,3 минг АҚШ доллари миқдоридидаги қўнматлар жисмоний шахслар номига келиб тушган бўлса, 2 091,8 минг АҚШ доллари тенг миқдоридидаги ўтказмалар миқозларининг топшириқлари бўйича турли мамлакатларга ўтказиб берилди.

Ҳисобот даврида, миқозларнинг топшириқларига кўра, ташқи савдо шартномалари бўйича жами 7 866,9 минг АҚШ доллари ва 26,0 минг Евро қийматида 25 та аккредитив очилди. Ўшбу аккредитивларнинг жами 5 447,5 минг АҚШ доллари тенг қисми бўйича ОАТБ «Қишлоқ қурилиш банк» ижро этувчи банк сифатида қатнашган бўлиб, аккредитивларнинг умумий ҳажми нисбатан салмоғи 69,67 фоизни ташкил қилди. Бу ўз навбатида, хорижий ҳам-

корларнинг банкка нисбатан ишончи ортишига ва хизматлар учун банкнинг комиссия даромадлари ҳажмининг ўсишига олиб келди.

Очилган аккредитивлар бўйича ҳисобот даврида жами 5 065,6 минг АҚШ доллари ва 26,0 минг Евро миқдоридида тўловлар амалга оширилди, шунингдек, Commerzbank AG, Германия томонидан 2 123,6 минг АҚШ доллари миқдоридида аккредитивларни молиялаштириш амалга оширилди.

Чакана банк хизматлари бозорида

«Қишлоқ қурилиш банк» республикаимиз аҳолисига кўрсатилётган чакана хизматлар ҳажмини режа асосида амалга ошира бориб, йилдан-йилга жалб қилинган омонатлар салмоғини ортирмоқда. Банк томонидан депозитларнинг сифат таркибини яхшилаш, жалб қилинган маблағлар таркибида мuddатли, жумладан, узок мuddатли депозитлар улушини кўпайтириш, аҳолининг банкларга бўлган ишончини ошириш мақсадида 2012 йилда аҳолига янада қўлай ҳамда икки томонлама манфаатли 30 дан ортиқ янги омонат турлари тақдир этилди. Пировардида, 2013 йил 1 июль ҳолатига кўра, аҳолининг банкдаги омонатлари қолдиги 80,1 млрд. сўмни ташкил этди.

Шу ўринда, бугунги кунда ўзининг тобора оммалашиб бораётганлиги ҳамда қўлай имкониятларини намён қилаётган нақд пулсиз ҳисоб-китобларнинг жисмоний шахслар иштирокида электрон тарзда амалга ошириладиган пластик карточаларга асосланган тўлов тизими муҳим аҳамият касб этаётганлигини алоҳида таъкидлаш лозим.

Нақд пул маблағларининг банкдан ташқари айланмасини қисқартириш ҳамда аҳоли иштирокидаги нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тизимини ривожлантириш борасида ҳам банк томонидан изчил фаолият юритилди. Хусусан, муомаладаги банк пластик карточаларининг умумий сони 2013 йил 1 июль ҳолатига 268 594 тага етказилди.

Банк томонидан пластик карточалар орқали хизмат кўрсатиш сифатини ошириш мақсадида эса «Smart-Vista» карточаларидан фойдаланувчиларга «SMS-Banking» хизмат тури жорий қилинди. Бунда пластик карточаларга маблағ келиб тушганда ва улар орқали тўлов ўтказилганда, шу заҳотиёқ миқоз уяли телефонига SMS-хабар юборилди.

Ахборот-коммуникация технологияларига асосланган «SMS-банкнинг», «Интернет-банкнинг», «Банк-миқоз» каби банк хизмат тур-



лари доираси ҳам тобора кенгайиб бормоқда. 2013 йил биринчи ярим йиллиги якунига кўра, SMS-банкнинг жорий қилинган миқозлар сони 9322, «Интернет-банкнинг» ва «Банк-миқоз» тизимлари жорий қилинган миқозлар сони 1288 нафарга етди.

2013 йил 1 июль ҳолатига банк пластик карточалари ҳисоб рақамларига 34,7 млрд. сўмлик маблағлар ўтказилди. Банк хизмати, савдо ва пуллик хизмат кўрсатиш объектларида ўрнатилган терминаллар сони 6220 тани ташкил этиб, жорий йилда ўшбу терминаллар орқали 317,1 млрд. сўмлик тўловлар амалга оширилди. Шунингдек, ўтган даврда банк томонидан қўшимча 50 000 донда пластик карточалар муомалага чиқарилиб, банк филиалларига 1000 донда терминал етказиб берилди.

Мухтасар айтганда...

Молия муассасасининг иқтисодий салоҳияти юксалиб, сифатли хизматлар кўрсатиш куламини кенгайиб бораётгани миқозларнинг унга бўлган ишончини тобора ошираётир. Шу маънода, банк фаолиятининг ҳар йилги натижалари ташқи аудиторлик компаниялари томонидан ўрганилиб, уларнинг халқаро стандартларга мослиги эътироф этилаётгани бежиз эмас.

Банкнинг молия хизматлари бозорида тутган макеи ва фаолиятида кўлга киритилаётган ижобий натижалар инobatта олиниб, «Moody's Investors Service» халқаро рейтинг компанияси томонидан ўшбу молия муассасасига аввалги берилган халқаро рейтинг баҳоси ўтган йилнинг декабрь ойида «Позитив» прогнози билан, шунингдек, «Ahor-reuting» рейтинг агентлиги томонидан банк фаолиятига миллий рейтинг шкаласи бўйича берилган Uza+ кредит рейтинг баҳоси 2013 йилнинг июнь ойида барча рейтинглар бўйича «Барқарор» прогнози билан қайта тасдиқланган ҳам шундай дейишимизга асос бўла олади.

Дарҳақиқат, банкнинг янада равиққа топиши, миқозларга хизмат кўрсатиш миқёсининг ортиши, ўз навбатида, иқтисодий тизимнинг барқарор ривожланиши ва аҳоли турмуш фаровонлигининг янада ошишига хизмат қилмоқда.

Банк матбуот хизмати.

Ўзбекистон талаба-спортчилари

Қозон шахрида ўтказилган XXVII Бутунжаҳон универсиадасида иккита олтин, еттита кумуш ва ўнта бронза медалига сазовор бўлдилар

Кеча Қозон (Россия)да XXVII Бутунжаҳон универсиада-си бахслари нихоясига етди. Икки ҳафта давом этган мазкур нуфузли мусобақада дунёнинг 162 давлатидан келган ўн уч минг нафардан зиёд қатнашчи спортнинг йигирма етти тури бўйича ғолиблик учун кураш олиб борди.



Универсиаданинг охири кунларида ҳамюртларимиз самбо, юнор-рум кураши, байдарка ва каноэда эшак эшиш, бадий гимнастика турлари бўйича бахсларда қатнашди. Улардан фақат каноэчиларимиз кучилар қаторидан жой олишга муваффақ бўлдилар. Жумладан, мусобақанинг 500 метр масофага каноэда эшак эшиш бахсларида Мираджон Азметов, Элдор Қаймов, Мирзиёджон

Хожиев ҳамда Дилшод Йўлдошев «квартети» маррага учинчи бўлиб етиб келди ва Ўзбекистон спорт делегацияси жағнамасига ўнинчи бронза медалини тақдим қилди. — Бутунжаҳон универсиада-сида илк маротаба мамлакатимиз вакиллари ўнта спорт тури бўйича ўз омадларини синаб кўрди, — дейди Миллий Олимпия қўмитаси вице-президенти Фарход Турдиев. — Унда рингга чиққан тўққиз

боксчимиздан саккиз нафарининг шохсупага кўтарилганлиги алоҳида эътирофга сазовордир. Бу юртимизда боксини янада ривожлантириш, истеъдодли ёшларни кашф этиш йўлида ибратли ишлар амалга ошириладиганлигини кўрсатиб турибди. Шунингдек, оғир атлетика бахсларида қатнашган тўрт спортчимиздан уч нафарининг кучилар қаторида эътироф этилганлиги ҳам барчамизни хурсанд қилди.

Мухлислар дзюдо ва самбо беллашувларида вакилларимиздан кўпроқ медаллар қўтишганди. Афсуски, натижалар қувонарли бўлмади. Кейинги йилларда самбо бўйича китъа ва жаҳон чемпионатларида медаллар учун асосий даъвогарлардан бири бўлиб келаётган ҳамюртларимиз универсиадада атиги битта бронза медали билан қийоғланди, холос.

— Дзюдо мусобақаларида саккиз нафар полвонимиз татамига чиқди, — дейди дзюдо бўйича мамлакат терма жамоаси бош мураббийи Андрей Штурбабин. — Улардан фақат Яхё Имомов (81 кг) кумуш, Сойиб Қурбонов (100 кг) бронза медаллари билан тақдирланди. Бунгача 60 кг вазн тоифасида икки карра жаҳон чемпиони,

Пекин ва Лондон олимпиадалари бронза медали совриндори Ришод Собиров илк маротаба 66 кг вазн тоифасида ўз омадини синаб кўрди. Мутахассис ва мухлислар ундан яна медал қўтишганди. Аммо учинчи ўрин учун кечган беллашувда номдор дзюдочимиздан бироз омад юз ўғирди. Етакчи спортчиларимиз Мирали Шарипов, Шерали Жўраев, Дилшод Чориевлар кучли саккизликдан жой олишди.

Олдинда Бразилияда бўладиган навбатдаги ёзи Олимпия уйинлари лицензиялари учун очко берувчи йирик мусобақалар қўтиб турибди. XXVII Бутунжаҳон универсиада-сида мутахассисларимиз ва дзюдочиларимиз учун ана шу муҳим бахслар олдиндан ўзига хос тажриба мактаби вазифасини ўтади. Биз хали жамоамиз аъзолари билан биргаликда йўл қўйилган хато-камчиликларни жиддий ўрганиб, таҳлил қиламиз. Ишончманки, келгуси мусобақаларда, албатта, мухлисларимиз ишончини оқлаб, Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилишга ҳаракат қиламиз.

Мамлакатимиз талаба-спортчилари умумжамоа ҳисобида 162 давлат вакиллари орасида ўн учинчи поғонани банд этди. МДХ ва Болтқубийи мамлакатлари ўртасида эса вакилларимиз бешинчи ўринни эгаллади. Агар ҳамюртларимизнинг универсиада дастуридан жой олган 27 спорт туридан фақат ўнтаси бўйича медаллар учун курашганлигини ҳисобга олсак, эришилган кўрсаткичлар ижобий эканлигига икор бўлимай.

Эркин ХОЛБОВО,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Куч — билим ва тафаккурда!

Ватаним тараққиётига ҳисса қўшадиган

таҳлилий мақолалар ёзишим керак, — дейди 2012/2013-ўқув йили учун Президент стипендианти, Ўзбекистон Миллий университети «Журналистика» таълим йўналиши бакалавриати битирувчиси Бобуржон АБИДОВ

Унинг илм олишга иштиёқи баланд эканлиги ўқувчилик давридаёқ намоён бўлди. Наманган Давлат университети қошидаги 1-академик лицейда аъло баҳо-сад қўя олиши ва бу йўлда тинимсиз изланиши билан бошқалардан алоҳида ажралиб турарди. Шу боис 2007 йили Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кунига бағишланган илмий конференцияда «А. Чехов кичик ҳикояларининг улкан моҳияти» мавзусидаги маърузаси билан қатнашиб, фахрли 2-ўринни эгаллади.

2003-2008 йилларда рус тили бўйича Халқаро олимпиаданинг сиртки босқичида қатнашиб тажрибасини оширди. 2008 йилда эса мамлакатимиз олимпиада танловида ғолиб чиқиб, республика терма жамоасига қабул қилинди. Халқаро олимпиадада «Оғзаки нутқ» номинациясида диплом билан тақдирланди.

Бобуржон ўқувчилик даврида эришган муваффақиятлари туфайли Ўзбекистон Миллий университетининг «Журналистика» таълим йўналишига имтиёзли қабул қилинди. Талаблик даврида юқори рейтинг натижаларига эришиш билан бирга республика ва халқаро кўрик-танловлар, фан олимпиадалари, илмий анжуманлар ҳамда жамоат ишларида фаол иштирок этди. Рус ва инглиз тилларида эркин сўзлаша олади. Телевидение ва матбуотда фаол иштирок этиб, ўз малакасини ошириб келмоқда.

У «Ўрта Осиё минтақасидаги инфор-мацион жараёнлар» мавзусида илмий та-дқиқотларини давом эттирмоқда.

— Университетда олган билимим ва талаблик даврида ўқиган китобларимдан



шуни тушундимки, бугунги шиддат билан ўзгариб бораётган замонда журналист олдида жуда катта, шу билан бирга шарафли вазибалар турибди, — дейди у. — Президентимизнинг Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари йўллаган табригини ўқиганимда хали бу соҳада тинимсиз изланишим, тажрибамни ошириб боришим зарурлигини англаб етдим. Шу боис машаққатли ва шарафли журналист касбига муносиб бўлиш учун магистратурада ўқишимни давом эттиришга қарор қилдим. Бу даврда билимимни мустаҳкамлаш билан бирга фидойи журналистларимизнинг тажрибасини кўнгил билан ўрганмоқчиман. Мақсадим юртимиз тинчлигини янада мустаҳкамлайдиган, Ватан равнақига, халқ фаровонлигига ҳисса қўшадиган таҳлилий мақолаларим билан матбуотда фаол қатнашиш.

Абдусалим МАХМУДОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Тадбир



Битирувчиларга диплом топширилди

энди уларни ўз иш жойи кўтмоқда

Чироқчи саноат касб-хунар коллежини жорий йилда 194 нафар битирувчи ундан ортиқ мутахассислик бўйича тамомлаб, ўз йўналиши бўйича ишта йўланма олди.

— Коллежда уч йил давомида нефть ва газ қудуқларини синаш мутахассислиги бўйича касб-хунар сирларини пухта ўргандим. Ўзаро тузилган шартнома бўйича Косон нефть ва газ қудуқларини синаш ОАЖга ишта кирмоқдаман, — дейди битирувчи Эсон Аҳмедов.

Абдурасул ПАРДА

Спорт

«Улкан тож» халқаро турнири

Шу йилнинг 20-21 июль кунлари Москвада дзюдо бўйича «Улкан тож» туркумига кира-рувчи йирик халқаро турнир ўтказилди.

— Мукофот жағнамаси 150000 АҚШ долларини ташкил этувчи мазкур мусобақада жаҳоннинг энг кучли спортчилари ғолиблик учун кураш олиб боради, — дейди Ўзбекистон дзюдо федерацияси раиси Армен Багдасаров. — Унда Ватанимиз шарафини 8 нафар дзюдочи ҳимоя қилади. Жумладан, мураббийлар белла-

шувларда Бахром Иноят-ов (60 кг), Мирзохид Фармонов (66 кг), Улуғбек Норқобилов (66 кг), Наврўз Жўрақобилов (73 кг), Шўхратжон Арслонов (81 кг), Эркин Дониёров (90 кг), Хуршид Набиев (90 кг) ва Рамзиддин Саидов (100 кг) каби етакчи полвонларимизга ишонч билдиришмоқда.

Ҳилола ШАРОФИДДИНОВА

Огоҳлик

5,5 килога яқин «заҳри қотил» тарқалишининг олди олинди

Кеч соат 23 ларда Сурхондарё вилояти божхона бошқармаси «Қудукли» темир йўл бекатида Тожикистон Республикасидан юк поезди кириб келди. Қўшни Туркменистон Республикасига йўл олган ушбу поезд ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар ходимлари томонидан тегишли тартибда кўриқдан ўтказилди.

Текшириш жараёнида поезд таркибидagi 21-ва 22-ўринда жойлашган дон ташувчи юксиз темир йўл вагонлари уларда шубҳа уйғотди. 21-вагоннинг гилдираклари орасидан турли ўрамда бўлган 1 килою 970 грамм, 22-вагондаги махсус жойдан эса 3 килограмм 500 грамм «героин» гиёҳвандлик моддаси топилди. Шундай қилиб, умумий оғирлиги 5,5 килога яқин бўлган «заҳри қотил» ушлаб қолинди. У манзилига етганда қанча инсоннинг ҳаётини заҳарлаган, неча-неча оилаларнинг кўз ёшига сабаб бўлар эди.

Мазкур ҳолат юзасидан жиноят иши кўзгатилиб, суриштирув ва тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

Абдумалик ҲАЙДАРОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.



Реклама

«Tashkent realtor service» МЧЖ

«Ўзбекистон овози» газетасининг 2013 йил 25 май 63 (31.653)-сонидa берилган эълондаги автомобилларга сиқилган газ тўлдириш компрессор станцияси қўрилиши учун Тошкент вилояти, Зангиота тумани, «Қизгал-док» ҚФЙ, ТХАЙ ерлари ҳудудида жойлашган ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати — 3 882 883 сўм бўлган 0,7 гектардан иборат ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи бўйича очик танлов савдоси Зангиота тумани ҳокимлигининг 16.07.2013 йилдаги 02-1/148-сонли хатига асосан қолдирилганлигини маълум қилади.

Очик танлов савдоси Тошкент вилояти, Зангиота тумани ҳокимлиги биносидa 2013 йил 1 август кўни соат 11-00 да бўлиб ўтади ва 10 кун ичида танлов ғолиби аниқланади ҳамда эълон қилинади.

Танловда иштирок этиш учун талабгорлардан буюрт-маномаларни қабул қилиш 2013 йил 31 июль кўни соат 18-00 да тўхтатилади.

Танлов ҳужжатлари ва қўшимча маълумотларни олиш манзили: Тошкент шаҳар, Бухоро кўчаси 10-уй, 16-хона. Тел. (8371) 147-40-00, факс: (8371) 233-06-59, электрон почта: info@realtor.uz. Лицензия RR-0008.

«Tashkent Realtor Service»

МЧЖ 2013 йил 13 июль кўни бўлиб ўтган очик аукцион савдоси натижасини маълум қилади: Тошкент вилояти, Янгийўл тумани, «Шўралисой» ҚФЙ манзилида жойлашган «BAM BRICK TAYYORLOV» МЧЖ мулкый мажмуаси. Бошланғич баҳоси — 50 929 408 сўм, сотилиш баҳоси — 54 825 000 сўм. Лицензия RR-0008

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки

SmartVista пластик карточкаларини чиқаришга мўлжалланган персонализаторлар сотиб олиш бўйича очик тендерда қатнашиш учун аризаларни қабул қилиш муддати

ушбу эълон чиққан санадан бошлаб 8 кунга узайтирилганлигини маълум қилади.

Очик тендерда қатнашиш учун аризалар (банк белгилаган шаклда) юридик шахслардан қабул қилинади.

Очик тендерда қатнашиш учун аризаларни (банк белгилаган шаклда) қабул қилиш ва очик тендерда қатнашиш учун ариза юборган юридик шахсларга тендер ҳужжатларини бериш ишлари мазкур эълон чиққан санадан кейинги 8 кун давомида амалга оширилади.


Олинган тендер ҳужжатлари асосида

тайёрланган тендер таклифлари (оферталар)ни қабул қилиш, ушбу таклифлар қандай шаклда тақдим этилгани (почта орқали юборилгани ёки шахсан келтирилгани)дан қатъи назар, мазкур эълон чиққан санадан кейин 32 календарь кун ўтган, соат 17:00да тўхтатилади.

Ариза шаклини (аризанинг электрон шаклини www.nbu.com веб-сайтдан олиш мумкин) ва тендер ҳужжатларини олиш, шунингдек, тендер таклифлари

(оферталар)ни юбориш учун манзил: 100084, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Амир Темур кўчаси, 101.

«Ўзмилийбанк» Бош маъмурий биноси Телефон: 235-56-09, 234-02-61, факс: 235-09-22, Интернет-сайт: www.nbu.com Алоқада бўлувчи шахслар: Искандаров Самандар Искандар ўғли, Соколянская Олеся Сергеевна. e-mail: siskandarov@central.nbu.com ёки osokolskaya@central.nbu.com



ОБ-ХАВО	18-19 - 07. 2013
Юртимиз бўйлаб (°C)	
Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти	
+18 / +23	+34 / +39
Бухоро ва Навоий вилоятлари	
+18 / +23	+34 / +39
Тошкент, Самарқанд, Жиззах ҳамда Сирдарё вилоятлари	
+18 / +23	+34 / +39
Қашқадарё ҳамда Сурхондарё вилоятлари	
+22 / +27	+35 / +40
Андижон, Наманган ҳамда Фарғона вилоятлари	
+18 / +23	+33 / +38
Тошкент шаҳри	
+21 / +23	+37 / +39

Дунё бўйлаб (°C)	
Лондон	+11 / +11
Париж	+9 / +11
Москва	+11 / +13
Мадрид	+8 / +10
Пекин	+15 / +19
Канберра	+5 / +6
Рим	+12 / +11
Афина	+17 / +16
Токио	+20 / +20
Стокгольм	+10 / +9
Кейптаун	+11 / +12
Қоҳира	+20 / +21
Гавана	+24 / +24
Вашингтон	+22 / +23

Тошкент вилояти «Чернобыль ногиронлири» хайрия жағнамасининг думалок муҳри йўқотганини сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ

MUASSIS:



O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: **Safar OSTONOV**

TAHRIR HAY'ATI:

Abdulla OROPOV	Murodilla ABDULLAYEV	Saidahmad RAHIMOV
Hotamjon KETMONOV	Ulug'bek MUSTAFOYEV	Farruh HAMROYEV
Ulug'bek VAFOYEV	Muslihidin MUHIDDINOV	Tat'yana KISTANOVA
Rustam KAMILOV	Ochilboy RAMATOV	
Sharbat ABDULLAYEVA		

BO'LIMLAR:

Parlament faoliyati — 233-10-13; Partiya hayoti — 233-11-49; Madaniyat va ma'naviyat — 233-69-45; Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot — 233-44-55; Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ'ibot — 233-12-56; Sport va vatanparvarlik — 233-44-55; Reklama va e'lonlar — 233-38-55, 233-47-80; Kotibiyat — 233-72-83.

MANZILIMIZ:

100000, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshmaxonasi chop etildi.

Korxona manzili: Buyuk Taron ko'chasi, 41-uy.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

e-mail: info@uzbekistonovozi.uz

Г — 746

10622

t — Tijorat materiallari

nuxxada

bosildi.

O'za yakuni — 21.15

Topshirilgan vaqti — 00.00

Sotuvda erkin narxda

Navbatchi:

Erkin XOLBOBOYEV

Sahifalovchi-dasturchilar:

Sobirjon TUNG'ATOV,

Zafar BAKIROV

ISSN 2010-7633

7772010763006